

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.03.2018.К/Т.04.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АБДУРАХИМОВ ХОДЖИАҚБАР АБДУРАХМАНОВИЧ**

**ЁҒ-МОЙ САНОАТИГА ОҚАВА СУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН  
КОАГУЛЯНТЛАР КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ КОМПЛЕКС  
ТОЗАЛАШ**

**11.00.05 – Атроф-мухит муҳофазаси ва  
табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент- 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Абдурахимов Ходжиакбар Абдурахманович**

Ёғ-мой саноатига оқова сувларни ишлаб чиқилган  
коагулянтлар композицияларини қўллаб

комплекс тозалаш ..... 3

**Абдурахимов Ходжиакбар Абдурахманович**

Комплексная очистка сточных вод масложировой  
промышленности с использованием разработанных

композиций коагулянтов ..... 29

**Abdurakhimov Khodjiakbar Abdurakhmanovich**

Integrated oil-grease wastewater treatment  
industry using developed coagulant

compositions ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 59

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.03.2018.К/Т.04.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АБДУРАХИМОВ ХОДЖИАҚБАР АБДУРАХМАНОВИЧ**

**ЁҒ-МОЙ САНОАТИГА ОҚАВА СУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН  
КОАГУЛЯНТЛАР КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ КОМПЛЕКС  
ТОЗАЛАШ**

**11.00.05 – Атроф-мухит муҳофазаси ва  
табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент- 2020**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияда В.2019.2.DSc/K66 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) манзили бўйича ва «Ziyounet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz.](http://www.ziyounet.uz)) да жойлаштирилган

**Илмий маслаҳатчи:** Муталов Шухрат Аҳмаджонович  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Қўлматов Рашид Анорович  
кимё фанлари доктори, профессор

Эшметов Иззат Дусимбатович  
техника фанлари доктори, профессор

Исмоилов Ровшан Исроилович  
кимё фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.28.03.2018.К/Т.04.02 рақамли Илмий кенгашнинг « 18 » январ 2020 йил соат « 10<sup>00</sup> » даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, А.Навоний кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20, Факс: (+99871) 244-79-17. e-mail: [info@tkti.uz](mailto:info@tkti.uz))

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 90 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, А.Навоний кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20)

Диссертация автореферати « \_\_\_\_\_ » 2020 йилда тарқатилган.  
(2020 йил « 07 » январ даги № 5 рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
Л.Т.Пулатова  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
к.ф.д., профессор

*[Signature]*  
Х.Д.Пулатов  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, к.ф.д., доцент

*[Signature]*  
А.С.Сидиков  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, к.ф.д., профессор

## Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тоза сув муаммоси саноат корхоналари, фермер хўжаликлари ва аҳолини жуда тез кўпайиб бориши билан жадал ўсиб бормоқда. Саноат корхоналарининг деярли барча жараёнларида сув асосий моддалардан бири ҳисобланади. Айниқса, ишлатиб бўлинган оқава сувларни тозалаб, жараёнга қайтариш муҳим аҳамиятга эга. Саноат корхоналари оқава сувларини оқар сувларга ташланиши нафақат атроф муҳитни, балки, гидросферани ҳам бузилишига олиб келмоқда. Шу сабабли жаҳон олимлари оқава сувларни коагулянтлар, флокулянтлар, флотореагентлар, биологик ўсимликлар ва ҳоказолар билан тозалашга алоҳида аҳамият беришмоқда.

Жаҳонда саноат оқава сувларини ёт қолдиқлардан тозалаш учун коагулянтлар олиш технологиясини яратиш бўйича тегишли ечимларни илмий асослаш, хусусан, коагулянт олиш учун хомашё ресурсларини аниқлаш, алюминий ва бошқа металлларни парчалашда куйдириш ҳарорати ва вақтининг таъсирини аниқлаш, каолинни қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш, коагулянт олиш жараёни ва улар таркибини физик-кимёвий усуллар билан аниқлаш, олинган композицион коагулянтлардан фойдаланиб, ёғ-мой ва целлюлоза ишлаб чиқариш корхоналари оқава сувларини тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикада маҳаллий хом-ашёдан оқилона фойдаланиш ва у асосида хориждан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини боса оладиган адсорбентлар, коагулянтлар олиш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси тараққиёти стратегиясининг учинчи йўналишида «...маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш, сифат жиҳатидан ишлаб чиқаришни янги поғонага кўтариш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш»<sup>1</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий каолинлар асосида коагулянтлар олиш ва уларни ёғ-мой, целлюлоза саноати оқава сувларини тозалашга қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февralидаги №ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистонда кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелидаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февralидаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

**Тадқиқотларнинг Республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Саноат оқава сувларни тозалашда йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Chemical Engenering, Institute of New-York (США), Д.И. Менделеев номидаги Москва Давлат университети (Россия), Урал Давлат университети ва политехника институти (Россия), С.М. Киров номидаги Свердловск политехника институти (Россия), Luxemburg Institute of Scient and technologe (Германия), Department the chemical Society of Japan (Япония), Department the chemical Society of Pakistan (Покистон), Institute of Mining and Metallurgy (Туркия), University of Science and technology (Хитой), National Nanotechnology Center (Таиланд); Department of chemistry (Ҳиндистон), Қозоқ Давлат университети ва Чимкент кимё-технология институти (Қозоғистон), Тошкент кимё-технология институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Саноат оқава сувлари таркибини тозалашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: минерал тупроқ гилмояларни физик-кимёвий қайта ишлаб органик таркибли суюқликларни тозалаш учун ноорганик сорбентлар олиш технологияси кимёвий қайта ишланиб, термик ишлов беришдаги ҳароратни пасайтириш йўли билан такомиллаштирилган (Mexico of Science Attapulgus, Мексика); композицион коагулянтларни маҳаллий хомашёлар асосида олиш ва оқава сувларни тозалаш технологияси яратилган (Киев, Харков миллий университетлари, Украина); углеродли, минерал ва органик ресурслар асосида, уларни модификациялаб, таркибига ионоген-фаол функционал гуруҳларни киргизиш орқали сорбцион-ион алмашувчи ва композицион материаллар яратилган (Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон).

Дунёда оқава сувларни тозалаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: оқава сувларни тозалаш технологияларини такомиллаштириш; маҳаллий хомашёлар асосида коагулянтлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш; ишлаб чиқилган коагулянтларни оқава сувларини тозалашда қўллашнинг технологиясини ишлаб чиқиш; олинган коагулянтларнинг турли саноат оқава сувларини тозалашда қўллаш технологиясини яратиш; ион алмашувчиларнинг янги авлодини яратиш ва уларни оқава сувларни тозалаш амалиётида қўллаш.

**Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси.** Илмий-техник ва патент адабиётларда, алюминий сақловчи хом-ашё манбаларини алюминий сульфатга ва бошқа бирикмаларга қайта ишлаш усуллари, оқава сувларни

<sup>2</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации составлено на основе [www. km. ru](http://www.km.ru), [www. fundamental-research. ru](http://www.fundamental-research.ru), [www. works.doklad.ru](http://www.works.doklad.ru), [www. dissertat.com](http://www.dissertat.com), [www. apr.org](http://www.apr.org) и др. источников.

зарарли кўшимчалардан тозалаш бўйича кўп миқдорда илмий маълумотлар келтирилган ва муҳокама қилинган: (R. O. Ajemba, O. D. Onukwuli, Z. I. Zafar, W. R. Livingston, D. A. Rogers, R. J. Chapman, N. T. Bailey, S. A. Hussain, R. Jamal, M. Tariq, M. M. Iqbal, F. Chigondo, B. C. Nyamunda, V. Bhebhe, K. Yildiz, E. Д. Бабенков, В. А. Проскуряков, А. А. Шмидт, А. К. Запольская, Д. А. Фридрихсберг, А. М. Когановский, М. Д. Белостоцкий, Н. Н. Круглицкий, В. Ю. Третинник, Л. А. Кульский, Ю. Ю. Лурье, Э. А. Арипов, С. З. Муминов, Х. Р. Исматов, Л. М. Богачева, С. А. Абдурахимов, Ш. А. Муталов ва бошқалар).

Илмий адабиётларда кўпгина мақола ва ахборотлар борлигига қарамай, коагулянтлар олиш, уларни оқова сувларни тозалашга қўллаш, ресурс ва энергия тежамкор технологиялар ва оқова сувларни комплекс тозалашнинг экокимёвий илмий асослари етарли эмаслиги аниқланди.

Маҳаллий каолинларнинг таркиби ва хоссаларининг тадқиқотлари хориждан импорт қилинадиган коагулянтлардан қолишмайдиган, композицион коагулянтлар олиш йўналишига эътиборни кучайтиришни тақозо қилади. Бунда коагуляция жараёнининг антагонизми ва синергизми масалаларига, иккита ҳодиса-анорганик ва айрим органик кўшимчалар коагуляцияси ва ёғсимон моддалар флотацияси содир бўладиган ёғ-мой саноати ва целлюлоза ишлаб чиқаришининг оқова сувларини тозалашга, эътибор қаратиш айниқса лозим.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида П-13.34 Фан ва технологиялар давлат қўмитаси лойиҳаси асосида «Қайта фойдаланиладиган (технологик) ва ичимлик суви олиш учун целлюлоза ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган оқова сувларни тозалашнинг комплекс технологиясини ишлаб чиқиш» (2003-2005йй), Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида «Маҳаллий хом-ашёлар асосида коагулянтлар олиш ва улар билан табиий ва оқова сувларни тозалаш» (2003-2019йй), мавзу бўйича ИТИ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ёғ-мой саноати оқова сувларини ишлаб чиқилган коагулянтлар композицияларидан фойдаланиб комплекс тозалашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ангрен, Султон-Увайс ва Ауминзатау конлари каолинларининг кимёвий таркибини ўрганиб, коагулянт олишга яроқлигини ташлаш;

алюминий ва бошқа металларни парчалашда куйдириш харорати ва вақтнинг таъсирини ўрганиш;

коагулянт олиш жараёни ва улар таркибини физик-кимёвий усуллар билан ўрганиш;

олинган композицион коагулянтларни ёғ-мой ва целлюлоза ишлаб чиқариш корхоналари оқова сувларини тозалашда қўллаш;

ёғ-мой саноати оқова сувларини композицион коагулянтлар билан тозалаш меъёрлари асосида тавсиялар бериш;

каолинларни кимёвий қайта ишлаш технологик схемалари ва коагулянт олиш материал балансини ишлаб чиқиш;

ёғ-мой саноати оқава сувларини тозалаш бўйича йириклаштирилган курилма схемасини ишлаб чиқиш;

шоли похоли ва буғдой сомонидан целлюлоза олишда ҳосил бўладиган ўта бўялган оқава сувларни тозалаш усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектлари** Ангрен, Султон-Увайс ва Ауминзатау (Зақудук участкаси) каолинлари, алюминий сульфат ва темир (III) сульфатдан иборат композицион коагулянтлар, ёғ-мой ва шоли похоли ҳамда буғдой сомонидан целлюлоза ишлаб чиқариш корхоналари оқава сувларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** каолинлардан композицион коагулянтлар олиб, уларни оқава сувларни тозалаш жараёнига таъсирини ва экокимёвий хоссаларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кимёвий, физик-кимёвий, ИҚ-спектроскопия, рентгенографик, визуал-политермик, аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** куйидагилардан иборат:

Ангрен, Султон-Увайс ва Ауминзатау (Зақудук участкаси) каолинларининг кислотада эрийдиган хилларининг кўп ҳосил бўлишига куйдириш ҳароратининг таъсири аниқланган;

илк марта максимал унум билан, хлорид ва сульфат кислота эритмалари билан дастлабки ишлов берилган каолинни кўллаб, алюминий ва темир оксидлари аралашмаси олинган;

каолинларни кислота эритмаси билан дастлабки қайта ишлов бериб, металл оксидларини максимал даражада ажратиб олишнинг яъни улар 40% ли сульфат кислота эритмасида, 500-550<sup>0</sup>С ҳарорат ва 90 минут; 30%ли хлорид кислота эритмасида, 400-450<sup>0</sup>С ҳарорат ва 90 минут куйдириш вақти оптимал шароит эканлиги аниқланган;

илк марта оқава сувларни чиқиндилардан тозалашда темир (III) сульфат ва алюминий сульфатнинг масса нисбати  $Fe_2(SO_4)_3:Al_2(SO_4)_3 = 1:5-1:15$  бўлганда коагулянтнинг коагуляция қобилятига антагонистлик қилиши,  $Fe_2(SO_4)_3:Al_2(SO_4)_3=1:20-1:25$  оралигида эса синергизми аниқланган;

ёғ-мой корхонаси оқава сувларини тозалаш жараёнида ишлаб чиқилган коагулянтларнинг икки хил самараси, яъни аорганик бирикмаларни коагуллаши ва мой, ёғ ва ёғ кислоталарини флотацияси аниқланган;

ёғ-мой корхонаси оқава сувларини локал комплекс тозалаш технологик схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

маҳаллий хом-ашё ресурслари асосида коагулянтлар олишнинг оптимал шароитлар яратилган;

алюминий оксид ва темир оксид асосида коагулянтлар олиш усуллари яратилган;

Султон-Увайс ва Ауминзатаунинг Зақудук участкаси каолинлари асосида коагулянт олишга технологик ишлаб чиқилган;



«Турон Ходжейли» АЖ ёғ-мой корхонасининг сув тозалаш иншоотларида коагулянтлар ёрдамида тозалаш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимёвий) ва физик-кимёвий (рентген ва ИҚ-спектроскопик) таҳлил натижалари тажрибалар ва вазифаларнинг тўғри қўйилганлиги, математик ҳисоблашларнинг аниқлиги саноатда ўтказилган синов тажрибалари актлари, синов тажрибалар ўтказишга «Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг рухсат хати, коагулянт олиш жараёнининг оптимал шароитлари, иқтисодий самарадорликни математик ҳисоблари тадқиқот натижаларининг ишончли эканини тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти коагулянт олиш учун каолиннинг янги конлари аниқланди. Маҳаллий каолинларини термик ишлов бериш оптимал шароитлари аниқланди, уларни моддаларга парчалашга 40%-ли сульфат кислота эритмаси билан ҳарорат 500-550<sup>0</sup>С куйдириш вақти 90 минут, 30%-ли хлорид кислота эритмаси билан 400-450<sup>0</sup>С куйдириш вақти 90 минут, улардан коагулянтлар олиш ва сўнгги маҳсулотни ёғ-мой саноати ва целлюлоза олишда ҳосил бўладиган оқава сувларини тозалаш учун қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ангрен, Султон-Увайс ва Ауминзатаунинг Закудук конлари каолинларини қайта ишлаб, такомиллашган, энергия тежамкор технология билан алюминий сульфат ва темир (III) сульфатдан иборат композицион коагулянтлар олиш, саноатда коагулянт олиш технологиясини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш унинг импортидан воз кечтиради. Бу ишланмаларни амалда қўллаш сув ресурслари муҳофазаси, ишлаб чиқаришда ресурс тежамкорлик ва табиий ресурслардан юқори иқтисодий самара билан оқилона фойдаланиш каби экокимё муаммоларини ечишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши.** Ёғ-мой саноати оқава сувларини ишлаб чиқилган коагулянтлар композицияларидан фойдаланиб, комплекс тозалаш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Султон-Увайс ва Ауминзатаунинг Закудук конлари каолинларини қайта ишлаб коагулянт олиш технологияси «Турон Ходжейли» АЖ да амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2019 йил 10 сентябрдаги АА/01-1234-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий алюминий сақловчи минераллар - Ангрен, Султон-Увайс ва Ауминзатаунинг Закудук участкаси конлари каолинларидан самарали, чет элникидан 2,5 баробар арзон композицион коагулянтлар олиш имконини берган;

коагулянтлар композицияси ёғ-мой саноати корхоналари оқава сувларини тозалашда «Турон Ходжейли» АЖ да амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси «Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2019 йил 10 сентябрдаги АА/01-1234-сон маълумотномаси). Натижада коагулянтлар

оқава сувларни меъёр даражасигача тозалаш имконини берган;

табiiй каолинларнинг кимёвий таркиби ва улардан олинадиган коагулянтларни тахлили бўйича маълумот ва хулосалар асосида кимё технологияси ва экология йўналишидаги бакалаврларга мўлжалланган «Аналитик кимё» фанидан дарслик тайёрлашда фойдаланилган (2019 йил 4 октябрдаги 892-022-сон гувоҳномаси). Натижада дарслик уларнинг коагулянтлар олиш, анализ қилиш ва қўллаш бўйича билимларини бойитиш ва мустаҳкамлаш имкониятини берган.

**Тадқиқот натижалари апробациялари.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижалари эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 41 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, ЎзР ОАК томонидан тавсия этилган илмий журналларда 11 та илмий мақола, шундан 3 та хорижий ва 8 та республика журналларида, ҳамда бошқа илмий журналлар, конференция материаллари ва тезисларида маълумотлар эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 7 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари, предмети ва объектлари, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мос келиши асосланган ва ифодаланган. Тадқиқотнинг илмий янгиликлари аниқланиб, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган.

Биринчи боб «**Оқава сувларни коагуляцион тозалаш учун табиий ресурсларни қайта ишлаш муаммолари, ютуқлар ва истиқболлари**» деб номланган бўлиб, илмий-техник нашрлар материаллари ва патент адабиётлар материаллари асосида табиий оқар сув йўлларининг ҳолатлари, саноат оқава сувлари ва уларни тозалаш ечимлари, турли коагулянтлар билан оқава сувларни тозалаш бўйича тадқиқотларнинг ҳолати ва ривожлантириш йўллари, Ўзбекистоннинг алюминий сақловчи хом-ашёларининг минерал – геологик тавсифи, уларни қайта ишлаш методлари, ҳозиргача маълум бўлган алюмосиликатлардан, Ангрен кони каолинларини сульфат кислота билан ишлов бериб, коагулянт олиш усуллари, ёғ-мойни қайта ишлаш корхоналари оқава сувларининг ҳолати тавсифи ва тозалаш методлари, ҳамда юксак сув ўсимликлари билан оқава суларни тозалашга бағишланган назарий ва экспериментал тадқиқотлар шарҳи келтирилган. Каолин асосида ҳар хил маҳсулотларни олиш ва қўллаш соҳасида олимларнинг эришган ютуқлари таҳлил қилинган. Алюминий сақловчи хом-ашёнинг таркиби, каолинлар ва бошқа минераллар таркибидаги алюминий оксид ва темир оксидни парчалаш ва ажратиб олиш усуллари муҳокама қилинган. Минералларнинг махсус ва

ноёб хоссалари, хом-ашё таркибидаги алюминий ва темирни бойитиш ва коагулянтлар олиш имкониятлари, оқава сувларни тозалаш кимёси, технологияси ва экологиясининг ўта муҳим масалаларини ҳал этишга йўналтирилган кейинги тадқиқотларини таҳлил этилган.

Илмий адабиётлар маълумотларини ўрганиш ва таҳлил қилиш Ўзбекистоннинг алюминийли хом-ашёларининг янги манбаларини аниқлади. Султон-Увайс ва Ауминзатаунинг Зақудуқ участкаси конларининг бойитилган каолинлари таркибида 38-43% алюминий оксид борлиги аниқланди. Каолинларда етарлича кўп миқдорда алюминий бўлишига қарамай коагулянтлар олиш ва уларни сувларни тозалашга қўллаш соҳасида мамлакатимизда систематик тадқиқотлар ўтказиш етарли эмас. Шу сабабли Ангрэн, Султон-Увайс ва Ауминзатаунинг Зақудуқ участкаси конлари каолинлари таркибидан алюминий оксид ва темир оксидни парчалаш ва ажратиш олиш усулларига тегишли ишланмалар, улар асосида коагулянтлар олиш кимёси ва технологияси, шунингдек уларни мамлакат ёғ-мой корхоналари бўлинмалари оқава сувларини тозалашга қўллаш алоҳида эътибор қаратилган.

Коагуляцион ва флотацион қобилиятга эга бўлган икки хил таъсирли коагулянтларни олиш учун хом-ашёни танлаш, анализ қилиш бир томондан иқтисодий бошқа томондан атроф-муҳит муҳофазаси, сув ресурслари муҳофазаси, ресурс тежамкорлиги масалаларини ечишга йўналтирилган. Каолин захирасини кўпайишини ҳисобга олганда коагулянт олиш учун алюминий сакловчи негизни олишга комплекс ёндошув коагулянтни ишлаб чиқаришга жуда катта аҳамият касб этади. Ёғ-мой корхоналари ва целлюлоза ишлаб чиқариш оқава сувларини комплекс тозалаш олдимизда турган ўта муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масала эканлиги аниқ бўлди.

Юқорида баён қилинган адабиётларнинг таҳлилидан келиб чиқиб тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Иккинчи боб **«Каолинлар таркиби ва улардан металл оксидларини ажратишнинг ўзига хослигини тадқиқ этиш»** Ангрэн, Султон-Увайс ва Ауминзатаунинг Зақудуқ участкаси конлари каолинларининг кимёвий ва минералогик кимёвий таркиби тадқиқотига бағишланган.

Ангрэн кони каолинлари мураккаб жойлашган: - бир хил жойларда қатламли, бошқа жойларда минерал кўмир билан аралаш ҳолда. Каолин минерали ёки аниқроқ айтганда каолинит асосан алюмосиликатлар  $Al_2O_3 \cdot 2SiO_2$  ёки  $Si_2Al_2O_7$  дан иборат бўлиб, кристалл кўринишидаги моддadir. Шу учта ташкил этувчидан ташқари бошқа металл элементлар, шунингдек ҳар хил бегона металл ва металлмас табиатли қўшимчалар бор. Минералнинг тузилиш-кинетик бирликлари зич жойланган кислород атомларидан тузилган бўлиб, орасида икки ва уч валентли металл атомлари октаэдрик ва гексагонал жойлашган кристалл панжара шаклида бўлади. Ангрэн каолинининг элемент таркиби 1-жадвалда келтирилган. Алюминий оксиди катта сорбцион қобилиятли модда бўлиб, у турли моддаларни йўлдош қўшимчалардан ва ионлардан ажратишда ишлатилади.

## Ишлатилган каолинларнинг элемент таҳлили натижалари

Элементларнинг миқдори, %									
Si	Al	Fe	Ti	Ca	Mg	K	Na	H	O
Бойитилмаган Ангрен каолини, ҳисобланган/топилган									
63,186	16,675	9,061	0,540	0,264	0,438	0,183	0,122	1,330	8,301
61,922	16,342	8,880	0,529	0,259	0,429	0,179	0,119	1,303	8,135
Бойитилган Ангрен каолини АКС-30, ҳисобланган/топилган									
51,847	25,682	9,000	-	-	-	-	-	1,256	12,215
50,810	25,168	8,820	-	-	-	-	-	1,231	11,971
Бойитилмаган Султон-Увайс каолини, ҳисобланган/топилган									
66,690	13,659	1,155	0,540	1,043	0,204	0,182	0,122	3,230	13,175
65,356	13,386	1,132	0,529	1,022	0,200	0,178	0,120	3,165	12,911
Бойитилган Султон-Увайс каолини, ҳисобланган/топилган									
51,977	28,112	0,599	0,432	0,333	0,186	0,423	0,378	3,230	13,809
50,937	27,549	0,587	0,423	0,326	0,182	0,414	0,370	3,165	13,533
Бойитилмаган Ауминзатаунинг Зақудук участкаси каолини, ҳисобланган/топилган									
49,177	30,176	0,525	0,432	0,321	0,186	0,299	0,267	3,774	14,843
48,193	29,572	0,514	0,423	0,314	0,182	0,293	0,262	3,698	14,546
Бойитилган Ауминзатаунинг Зақудук участкаси каолини, ҳисобланган/топилган									
3,774	34,083	0,494	0,360	0,300	0,162	0,274	0,248	3,647	12,991
46,575	33,401	0,484	0,353	0,294	0,159	0,268	0,243	3,574	12,731

Ўзбекистон худудида каолиннинг бошқа конлари ҳам борлигини таъкидлаш лозим. Уларнинг элемент ва минералогик-кимёвий таркибида камроқ темир ва бошқа қўшимчалар бор.

Каолинларнинг бойитилган намуналарида алюминий оксиднинг миқдори конидан қатъий назар 32,00% дан ошади. Ауминзатаунинг Зақудук участкаси бойитилган каолини намуналарида алюминий оксиднинг миқдори 43,00% га етди.

Каолиннинг умумий массасига нисбатан алюминий оксид ва темир (III) оксиднинг нисбати аниқланган ва у бойитилмаган учун: 5:1дан 2,6:1гача, бойитилган учун эса 3,05:1 дан 2,3:1гача(2-жадв.).





Коагулянт олишнинг энг муҳим босқичи каолинни қайта ишлаш –металл оксидларини минералдан ажратиш босқичидир. Металл оксидларига реактивсиз ажратиш 800-850<sup>0</sup>С (1073-1123К) ҳарорат ва 3 соат куйдирилганда содир бўлади. Сульфат кислота эритмасида эса бу 500-550<sup>0</sup>С (773-823К) ҳарорат ва 1,5 соат куйдирилганда содир бўлади. Сульфат кислотанинг сувли эритмасининг оптимал концентрацияси 40%. Каолинни таркибий қисмларга парчалаш учун сульфат кислотанинг 3% ли эритмаси билан каолиннинг кислота эритмасига нисбати 1:50 бўлганда оддий шароитда 0,5 соат (30 мин) мобайнида бўлади. 30%-ли хлорид кислотанинг сувли эритмасини қўллаш металл оксидларига ажратадиган куйдириш вақтини ўзгартирмаган ҳолда, ҳароратини 350-400<sup>0</sup>С (673-723К) гача пасайтиради.

## Бирламчи, бойитилган Ангрен каолинининг минерал кимёвий таркиби





Каолин тури	Микдори, %								
	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	FeO	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	TiO <sub>2</sub>	CaO	MgO	K <sub>2</sub> O+Na <sub>2</sub> O	ппп
Ангрен кони									
Табиий	67,9	20,7	7,6	1,2	0,4	0,3	0,7	0,8	8,6
АКС-30 TSh 1056: 2004	55,55	32,00	-	6,0	-	-	-	-	6,44-
Султан-Увайс кони									
Бойитилмаган	71,46	17,20	-	1,10	0,54	1,46	0,34	1,55	6,35
Бойитилган 1	55,69	35,40	-	0,50	0,36	0,45	0,31	2,04	5,25
Бойитилган 2	55,92	34,92	-	0,57	-	-	-	-	-
Ауминзатаунинг Закудук участкаси кони									
Бойитилмаган Экстра	53,69	38,00	-	0,50	0,36	0,45	0,31	1,44	4,87
Бойитилган Экстра	50,92	42,92	-	0,47	-	-	-	-	-

Юқорида келтирилган ҳароратларда сульфат ва хлорид кислота колдиклари учиб кетади. Фақат металл оксидлари минераллашган ҳолатда қолади. Реакцияда 3%-ли сульфат ва хлорид кислота эритмалари каолиндан алюминий ва темирни уларнинг гидроксидлари кўринишида ажратиш олиш учун қатнашади. Металл оксидлари ва хлорид кислота ўртасидаги ўзаро таъсирлашувни қуйидаги реакция тенгламалари билан ифодаланади:



куйдиришгача 30%-ли хлорид кислота эритмаси билан ишлов берилгач:



Куйдирилгач, ажратишгача:





3%-ли хлорид кислота эритмаси билан парчалангач:



3%-ли хлорид кислота эритмаси билан парчалагач, кремний диоксиди (қум) металлларнинг хлорид тузлари аралашмаси эритмасидан ажратилади, сув билан чайилади, сўнг сувли эритма 5-10 мин мобайнида 65-70<sup>0</sup>С ҳароратда иситилади. Шунда алюминий ва темирнинг хлорид тузлари гидролизланиб, мос гидроксидлар шаклида оч сариқ чўкма ҳосил қилиб





чўкади.







Чўкмани эритмадан ажратиб, сув билан чайилади. Чўкмада  $\text{K}^+$ ,  $\text{Na}^+$ ,  $\text{Ca}^{+2}$  ва  $\text{Ti}^{+4}$  ионларини қолдиқлари қолмаганини уларнинг охириги ювинди сувларини алоҳида олиб, сифат реакция бажариб аниқланади.

Металл оксидлари ва сульфат кислота ўртасидаги ўзаро таъсирлашувни реакция тенгламалари билан ифодаланади:





куйдиришгача 40%-ли сульфат кислота эритмаси билан ишлов берилгач:



Куйдирилгач, ажратишгача:





3%-ли сульфат кислота эритмаси билан парчалангач:



Куйдириш ва парчалашдан сўнг коагулянт олиш учун каолинни 2 усулда тайёрладик: 1) темирни магнит сепарациялаш ва 2) сепарациясиз.

3%-ли сульфат кислота эритмаси билан парчалагач, кремний диоксиди (қум) ва кальций сульфат чўкмасини қолган металлларнинг сульфат тузлари аралашмаси эритмасидан ажратилади ва сув билан чайилади. Сувли эритма 5-10 минут мобайнида  $65-70^{\circ}\text{C}$  ҳароратда иситилганда алюминий ва темирнинг сульфат тузлари гидролизланиб, мос гидроксидлар аралашмаси оч сариқ чўкма ҳосил қилиб чўкади.




Чўкмани эритмадан ажратиб, сув билан чайилади. Чўкмада  $\text{K}^+$ ,  $\text{Na}^+$  ва  $\text{Ti}^{+4}$  ионларини қолдиқлари қолмаганини уларнинг охириги ювинди сувларини алоҳида олиб, сифат реакция бажариб аниқланади.

Алюминий ва темир гидроксидларидан иборат чўкмани доимий


массагача куритилади. Худди шу услубда Ангрен, Султан-Увайс ва Ауминзатау конлари каолинларидан алюминий ва темир гидроксидлари ажратилиб, парчаланеди. Қўйилган мақсадга мувофиқ олинган алюминий ва темирнинг гидроксидлари аралашмаси асосида коагулянтлар олинди.

Учинчи боб «**Коагулянтларни олиш усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқоти**» коагулянтларни олиш шароитларини танлаш, кимёвий таркиби, реакция механизми ва эхтимоллиги мумкин бўлган оралқ маҳсулотлар тадқиқотига ҳамда каолин ва коагулянтларни кимёвий, рентгенометрик ва ИҚ-спектроскопик тахлилига бағишланган.

Коагулянт олиш учун ҳар хил нисбатли алюминий гидроксид ва темир гидроксиддан иборат аралашма бўлган парчаланиш маҳсулотининг эримаган қисми ажратиб олинди. Адабиётлардан маълумки, алюминий сульфат энг кучли коагулянтдир. Кимёвий тоза алюминий сульфатни йириклаштирилган ёки саноат миқёсида ишлатиш қиммат ва ноқулай услубдир. Ангрен, Султон-Увайс ва Ауминзатаунинг Закудук участкаси конининг биз бойитган каолинлари – алюминий ва темир гидроксидларидан иборат ҳар хил нисбатдаги аралашма. Шуларни сульфат кислота билан қайта ишлаш билан алюминий ва темирнинг сульфат тузлари олинди. Алюминий ва темир (III) гидроксидлари ва сульфат кислота ўртасидаги ўзаро таъсирлашув куйидаги реакция тенгламаси билан ифодаланади:



Битта ОН гуруҳнинг бўлиши металлларнинг сульфат тузлари негизлигини оширса-да коагулянтнинг сорбцион сифимини ва самарадорликни пасайишига олиб келади. Агар сульфат кислотани ортиқча қўшилмаса, алюминий ва темир (III) нинг куйида келтирилган гидроксосульфат тузлари ҳосил бўлиши мумкин:



Шунинг учун металл гидроксидлари билан сульфат кислота ўртасидаги ион алмашиниш реакциясини сульфат кислотани ҳисобланган 100% нормасига 25% қўшимча қўшиб олиб борилди. Шундай қилинганда, коагулянт деярли тўлиқ  $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$  и  $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$  дан иборат бўлди. Олинган коагулянт таркибига кўра оддий эмас, балки композицион коагулянт бўлади. Коагулянтнинг компонентлари ва ионлари ўзаро таъсир этиб туради. Темир сульфатнинг кичик концентрацияларида коагулянт максимал фаоллик намоён қилади ва коагуляция синергизми кузатилади, катта концентрацияларда эса аксинча коагулянт фаоллиги камайиб, коагуляция

антоганизми кузатилади. Коагулянт КА-1 энг кичик сорбцион фаолликни, КА3-2 энг катта фаолликни намоён қилди.

Олинган коагулянтларнинг элемент анализи натижалари 3-жадвалда келтирилган


### 3-жадвал

#### Олинган коагулянтларнинг элемент анализи натижалари

Каолин кони	Қисқача номи	каолиннинг тозаланганлиги	Элементларнинг миқдори, %			
			Al	Fe	S	O
Ангрен	КА -1	бойитилмаган	14,66	1,08	28,70	55,87
	КА -2	бойитилган	14,80	0,80	28,76	55,31
Султон-Увайс	КСУ -1	бойитилмаган	15,78	0,13	25,07	58,85
	КСУ -2	бойитилган	15,89	0,12	25,00	59,02
Ауминзатау уч. Зақудук	КА3 – 1	бойитилмаган	15,88	0,13	25,17	58,30
	КА3– 2	бойитилган	15,99	0,12	25,10	58,64

3-жадвалдан кўринадикки, алюминийга энг бой коагулянт КА3-2 бўлиб, таркибида 15,99% алюминий ва энг кам 0,12% темир сақлайди. 100г коагулянт олиш учун 877 мл 10,0%-ли сульфат кислота эритмаси (125% норма) (хамма каолинларга ишлов бериш учун бирдай), Ангрен каолини КА-1 учун 142г; Султан-Увайс каолини КСУ-1 учун 175,4 г ва Ауминзатау каолини КА3-1 учун 175,4г. Доимий вазингача буғлатиш харорати 100-110<sup>0</sup>С (373-383К); Каолиндан коагулянтнинг максимал ҳосил бўлиши 96,5-97,0%ни ташкил этади.

Ангрен, Султон-Увайс ва Ауминзатаунинг Зақудук участкаси кони каолинларининг кимёвий тахлили натрий фторид реактиви ва ксиленол зарғалдоқ индикатори иштирокида, алюминий ва темир (III) ни комплексонометрик усулда аниқланган. Кальций ва магнийни этилен диамин тетраоцетатнинг натрийли тузи реактиви билан хромоген тўқ кўк индикатори иштирокида титрлаб аниқланди. Калий ва натрийни аланга фотометрияси методи ва 1-ва 2-аналитик гуруҳ катионларига сифат реакциялари бажариш билан аниқланди. Алюминий ва темир, сульфат ва мураккаб гидроксосульфат анионлари борлигини 3-аналитик гуруҳ катионлари ва 1-гуруҳ анионлари сифат анализлари, рентгенограммалар ва ИҚ-спектрларини ўқиш орқали аниқланди. Рентгенограммаларда Х-нурни қайтиш бурчаклари 2θ, градусда аниқланди каолинлар учун:



1-расм. КА3-2 коагулянтнинг рентген спектри

- Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> – 16,56±1,02; 25,92±0,93; 38,28±1,00; 42,19±0,97;
- Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> – 13,77±0,51; 23,38±0,60; 31,26±0,52; 37,23±0,44.


Коагулянтлар учун:



- $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$  –  $32,15 \pm 0,20$ ;  $44,93 \pm 0,19$ ;  $61,15 \pm 0,20$ ;  $82,09 \pm 0,20$ ;
- $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$  –  $7,16 \pm 0,15$ ;  $12,94 \pm 0,15$ ;  $20,37 \pm 0,15$ ;  $22,00 \pm 0,15$ ;  $25,36 \pm 0,15$ .

Кимёвий бирикмалар пикларининг интенсивлиги улар миқдорига мос равишда ўз баландликларини ўзгартирди.

Каолинлар ва коагулянтлар ИҚ-спектрлари функционал гуруҳга мос валент тебранишларни ютиш полосаларга: Al -  $478 \pm 20 \text{ см}^{-1}$ , Fe -  $520 \pm 21 \text{ см}^{-1}$ , –O– -  $1442 \pm 14 \text{ см}^{-1}$ , =O -  $1441 \pm 13 \text{ см}^{-1}$ ,  $\text{SO}_4$  -  $1100 \pm 50 \text{ см}^{-1}$ ,  $\text{OH}\text{SO}_4$  -  $3100 \pm 184 \text{ см}^{-1}$ . деформацион тебранишларнинг ютиш полосасига эга. Al -  $812 \pm 40 \text{ см}^{-1}$ , Fe -  $1022 \pm 41 \text{ см}^{-1}$ , –O– -  $2942 \pm 14 \text{ см}^{-1}$ , =O -  $2441 \pm 13 \text{ см}^{-1}$ ,  $\text{SO}_4$  -  $2070 \pm 50 \text{ см}^{-1}$ ,  $\text{OH}\text{SO}_4$  -  $3200 \pm 80 \text{ см}^{-1}$  тўғри келади.



2-расм. КАЗ-2 коагулянтнинг ИҚ- спектри

Каолин ва коагулянтларни кимёвий, рентгенометрик ва ИҚ-спектроскопик таҳлилдан кейин саноат оқава сувлари таркибини ўрганиш керак бўлди.

Тўртинчи боб «Оқава сувларнинг кимёвий таркибини ўрганиш ва ишлаб чиқилган коагулянтлар билан тозалаш усулини яратиш» ёғ-мой корхоналари ва шоли похоти ва буғдой сомонидан целлюлоза ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган оқава сувларнинг кимёвий таҳлилга ҳамда Ангрен, Султон-Увайс ва Ауминзатаунинг Зақудуқ участкаси конидаги маҳаллий каолинлар асосида олинган коагулянтларлар билан ёғ-мой корхоналари ва целлюлоза ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган оқава сувларни тозалашнинг комплекс усулини яратишга бағишланган.

Ёғ-мой саноати пахта ёғини қайта ишлаш бўйича 10 дан ортиқ: ёғни рафинациялаш, салат ёғи олиш, ёғларни парчалаш, ёғ кислоталарини дистилляциялаш, саломас, кондитер ва ошхона ёғлари, маргарин, майонез, совун (ҳозирчи ва туалетноғ) ва ҳоказолар ишлаб чиқариш бўлимларини ўз ичига олади. Шу номлари қайд этилган корхоналар кўп ҳажмдаги сувни ишлатади ва ҳосил бўлган умумий оқава сувини махсус иншоотга тозалаш учун чиқарилади. Тадқиқот объекти сифатида ёғни рафинациялаш, хўжалик совуни, маргарин, майонез, саломас ишлаб чиқариш бўлимлари, корхона бўлимлари кирларини ювиш бўлими ва оқава сувлари йиғиладиган умумий тозалаш иншооти танланди. Корхона оқава

сувлари асосан қаттиқ ва суюқ ёғлар, ёғ кислоталари ва совун қолдиклари, госсипол, унинг ҳосилалари, оксиллар ва сутли моддалар каби органик қўшимчалардан иборат (4-жадвал).

#### 4-жадвал

##### Ёғ мой корхонаси оқава сувлари таркибидаги органик моддалар миқдори

т/р	Оқава сув ҳосил бўлиш объектлари номлари	Моддалар миқдори, 10 <sup>-3</sup> кг/м <sup>3</sup>			
		Қаттиқ ва суюқ ёғлар	Ёғ кислоталари ва совун қолдиклари	Госсипол ва унинг ҳосилалари	Оксил ва сут маҳсулотлари
1	ЁРОС (соапсток ва нейтралатор ва жиҳозларнинг ювиндиси)	1,743	1,221	0,343	1,068
2	СПОС (қозон ва жиҳозларнинг ювиндиси)	-	2,451	0,349	-
3	МаргОС (қозон ва жиҳозларнинг ювиндиси)	0,875	0,876	-	0,612
4	МайОС (қозон ва жиҳозларнинг ювиндиси)	0,875	0,870	-	0,612
5	СОС (қозон ва жиҳозларнинг ювиндиси)	0,734	1,234	-	-
6	КЮОС (кир ювиш машинаси ва жиҳозларнинг ювиндиси)	2,579	1,358	-	1,112
7	УОС (умумий оқава)	0,033	0,032	-	0,036

Юқорида номлари келтирилган ишлаб чиқариш оқава сувлари таркибида аорганик қўшимчалар заррачалар ва металл ионлари кўринишида бўлади. 5-жадвалда металл катионлари тахлили натижалари келтирилган.

#### 5-жадвал

##### Ёғ мой корхонаси бўлинмалари оқава сувлари золларидаги металл ионлари миқдори

т/р	Бўлинмалар номи	Металл ионлари миқдори, мг/л					
		Ca <sup>2+</sup>	Mg <sup>2+</sup>	Na <sup>+</sup>	Cu <sup>2+</sup>	Ni <sup>2+</sup>	Fe <sup>3+</sup>
1	ЁРОС	250,4	66,2	300,0	-	-	0,08
2	СПОС	220,8	63,3	384,2	-	-	0,10
3	МаргОС	132,9	30,6	100,8	-	-	0,06
4	МайОС	132,8	30,6	100,0	-	-	0,06
5	СОС	250,4	66,2	100,0	0,02	0,02	0,12
6	КЮОС	250,4	66,2	362,0	-	-	0,12
7	УОС	121,2	30,0	82,7	-	-	0,07

Бу ишлаб чиқаришлар оқава сувларидаги қўшимчаларнинг асосий қисми заррачаларнинг мицелляр тузилганлиги туфайли муаллақ ҳолатда туради. Бу ҳолатда туриш зарядланган заррачаларнинг ўзаро электростатик тортилиб туриши, сув диполларининг электродинамик кучлари ва суюқ эритувчининг ҳаракатчанлиги эвазига таъминланади.

Натрий ишқори эритмасида шоли похоти ва буғдой сомонини қайнатиб, целлюлоза олиш жараёнида ўта рангли (бўялган) оқава сувлар ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган оқава сувлар органик моддаларининг таркибий ва миқдорий

тавсифи 6-жадвалда келтирилган.

### 6-жадвал

#### Шоли походи ва бугдой сомонини қайнатиб, целлюлоза олиш жараёнида ҳосил бўлган оқава сувлар органик моддаларининг таркибий ва миқдорий тавсифи

т/р	Моддалар номлари	Миқдори ва четланиш, г/л		Фарқи г/л
		СВПС	СВРС	СВРС-СВПС
1	Лигнин	13,4±0,6	12,1±0,5	+1,3
2	Гемицеллюлоза	16,4±0,5	14,6±0,4	+1,8
3	Полисахаридлар	4,3±0,4	3,6±0,4	+0,7
4	Кремний органик бирикмалар	1,2±0,2	3,4±0,4	-2,2

Лигнин, гемицеллюлоза, полисахаридлар ва кремний органик бирикмалар табиатан ноионоген моддалардир. Уларнинг ҳаммаси гигроскопик хоссали моддалар бўлиб, сув молекулалари билан гидрофоб таъсирлашиб, бўккан ҳолда сувнинг ҳажми бўйлаб тарқалган ҳолда жойлашади. Органик моддалардан ташқари оқава сув таркибида 13-14 та металл бирикма шаклида мавжуд.

Целлюлоза ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган оқава сувларнинг анорганик моддаларнинг металл элементлари таркиби қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

### 7-жадвал


#### Целлюлоза ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган оқава сувларнинг анорганик моддаларнинг металл элементлари таркиби

т/р	Металлар номлари	Белгиси	Кулидаги миқдори, г/л		фарқи г/л
			СВРС	СВПС	
1	Алюминий	Al	17,600±0,1000	3,5±0,1000	+14,100
2	Темир	Fe	0,360±0,0200	3,6±0,1000	-3,240
3	Натрий	Na	25,400±0,0200	25,4±0,5000	-3,100
4	Кальций	Ca	11,200±0,1000	18,4±0,3000	-7,200
5	Магний	Mg	3,600±0,1000	5,9±0,2000	-5,300
6	Барий	Ba	0,170±0,0100	-	-0,170
7	Бор	B	0,060±0,0050	0,011±0,0010	+0,049
8	Мис	Cu	0,054±0,0020	0,011±0,0010	+0,043
9	Никель	Ni	0,009±0,0010	0,006±0,0005	+0,003
10	Кобальт	Co	0,035±0,0010	-	+0,035
11	Марганец	Mn	0,099±0,0010	0,112±0,0020	-0,023
12	Титан	Ti	0,054±0,0010	0,380±0,0050	-0,326
13	Молибден	Mo	0,020±0,0002	0,007±0,0005	-0,005
14	Қалай	Sn	0,001±0,0001	0,018±0,0002	-0,017
15	Стронций	Sr	-	0,018±0,0001	-0,018

Бу металллар эритма қайнаш ҳароратида юқорида 6-жадвалда келтирилган органик бирикмалар билан комплекслар ҳосил қилади ва эрувчан ҳолатда маълум рН оралигида (рН=11,0-13,2) барқарор эритма ҳолида мавжуд бўлади. рН кислотали муҳит томонга ўзгарса, органик комплекс тузлар парчланади.

Коагуляция механизми оқава сув таркибида коллоид ҳолда мавжуд бўлган ёғ кислоталари, икки ва уч валентли металллар ва механик қўшимчаларнинг ўзаро гидрофоб таъсирлашувига асосланган.

Коагулянтларнинг кимёвий таркиби аввалги бобларда келтирилган эди. Коагулянтларнинг оқова сувлар қўшимчалари билан ўзаро таъсирлашуви куйидаги кимёвий тенгламалар билан ифодаланади:



Ушбу келтирилган оддий реакция тенгламалар системаси орқали коагуляция, ёғ-мой корхонаси бўлинмалари оқова сувлари қўшимчаларини улар билан биргаликда чўктириш реакцияларининг кимёвий қонуниятлари ва механизмини тасаввур қилиш мумкин. Бунда аниқроқ маълумот олиш учун оқова сув ҳажми 1000 мл, коагулянт концентрацияси 1,0% деб олинди.

Ёғларни рафинациялаш бўлинмаси оқова сувларини тозалаш учун биз яратган ва олган сульфат кислотали композицион коагулянтлар КА-1, КА-2, КСУ-1, КСУ-2, КАЗ-1 ва КАЗ-2 бўлди. Улар 1%ли эритмалар бўлиб, сарфи 0-100 мл бўлди. Композицион коагулянтларнинг таркиби бир хил  $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$  ва  $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$  дан иборат, лекин миқдори жиҳатдан фарқ қиладиган компонентли, яъни 82,0% дан 94,0% гача алюминий сульфат ва 12,0% дан 3,0% гача темир сульфат сақлайди.

Фойдаланилган коагулянтлар орасидан КА-1 энг паст коагуляция самарали, КАЗ-2 эса энг катта самарали бўлди. 2-жадвалдан маълумки, бойитилмаган Ангрен каолинида 21,00%  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ва 8,63%  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ , бойитилганида 32,34%  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ва 6,00%  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  бор. Агар назар солиб, таҳлил қилинганда  $\text{Fe}_2\text{O}_3/\text{Al}_2\text{O}_3$  нисбат бойитилмаган каолинда 0,41га, бойитилганда эса 0,19 га тенг. Бойитилмаганга қараганда бойитилган каолинда алюминий миқдори 1,5 баробар,  $\text{Fe}_2\text{O}_3 / \text{Al}_2\text{O}_3$  2,22 баробар кўп. Темир (III) сульфат катта концентрацияларда алюминий сульфатга антагонистлик намоиш қилса, кичик концентрацияларда синергизм кўрсатди. КАЗ – 2 коагулянти 95,97% алюминий сульфат ва 4,03% темир (III) сульфат сақлаб энг юқори

### 8-жадвал

Ёғнинг рафинацияси оқова сувларини тозалашда максимал коагуляция самарасига эришишдаги коагулянт сарфининг оптимал дозалари

т/р	Коагулянтлар номлари	Коагулянт ҳажми, мл	Дисперс фаза, г		Тозалаш самараси,%	
			1 соатда	12 соатда	1 соатда	12 соатда
1	коагулянтсиз	0	-	0,30	0,00	1,01
2	КА – 1	80	4,52	30,61	72,90	76,87
3	КА – 2	80	5,07	33,20	81,77	83,42
4	КСУ – 1	80	5,53	34,41	89,19	86,41
5	КСУ – 2	80	5,71	36,86	92,10	92,46
6	КАЗ – 1	80	6,04	38,72	97,41	96,03
7	КАЗ – 2	80	6,20	39,82	100,00	100,00

коагуляция самарасига эга бўлиб, оқова сувни қўшимчалардан 100%

тозалайди.

8-жадвалда максимал тозалаш самарасига эришгандаги коагулянт сарфининг оптимал дозалари келтирилган. Анорганик бирикмалар билан бир қаторда госсипол ва унинг натрийли бирикмалари ҳам алюминий ва темирга алмашилиб, сувда эримайдиган чўкмалар ҳосил қилади.

Бир хил миқдор коагулянт қўшилганда энг юқори нисбий самара КА3-2 да 100%, КА-1да энг паст нисбий самара 67,76%. КА3-2 да жуда оз миқдордаги  $Fe_2(SO_4)_3$  коагуляция синергизмини, аксинча юқори миқдори коагуляция антагонизмини намоён бўлишига олиб келади.

9-жадвалда органик моддалардан тозаланиш натижалари келтирилган.

### 9-жадвал

#### Ёғнинг рафинацияси бўлинмаси оқава сувларини тозалашда максимал флотация самарасига эришишдаги коагулянт сарфининг оптимал дозалари

т/р	Коагулянтлар номлари	Коагулянт ҳажми, мл	органик компонентлар ҳажми, (мл/л)		Тозалаш самараси, %	
			1 соатдан кейин	12соатдан кейин	1 соатдан кейин	12соатдан кейин
1	коагулянтсиз	0	1,21	2,78	5,00	10,67
2	КА – 1	80	16,39	19,76	67,76	71,66
3	КА – 2	80	17,09	19,67	70,65	75,85
4	КСУ – 1	80	17,09	19,76	70,65	75,85
5	КСУ – 2	80	19,09	22,67	78,92	87,02
6	КА3 – 1	80	23,04	25,77	95,25	98,92
7	КА3 – 2	80	24,19	26,05	100,00	100,00

8- ва 9-жадвалларни таҳлил қилиб, биз яратган коагулянтлар коагуляция ва флотация хоссаларга эга экани аниқланди. Бундай самарага аввало алюминий ва темир (III) сульфатларининг гидролизи туфайли алюминий ва темир (III) гидроксилари ва сульфат кислотаси ҳосил бўлиши бўлса, алюминий ва темир (III) гидроксилари ва сульфат кислотанинг эритмадаги фаол ионлар билан ўзаро таъсирлашиб, коагуляция, ёғлар ва ёғ кислоталари қолдиқлари пассив бўлгани, сув ва эритмага нисбатан зичлигининг кичиклиги туфайли оқава сувнинг ҳаво билан чегарасига сузиб чиқиб, флотация хоссалари содир бўлади.

Коагулянт қўшилиши бевосита оқава сувнинг рН муҳитига таъсир этади. Кучсиз асос ва кучли кислота қолдиқларидан ташкил топган тузлар аралашмаси бўлган коагулянт рафинацияланган ёғлар ишлаб чиқариш бўлинмаси оқава сувларининг рН ни пасайтирди. Бир йўла ёғ кислоталари ва суюқ ёғлар госсипол ва унинг ҳосилаларидан ажралади. Буни 9-жадвалдан аниқ кўриш мумкин.

Коагулянт таъсирида оқава сувнинг сирт таранглиги, когезия иши ва бошқа асосий кўрсаткичлари ҳам пасайди (10-жадвалга қаранг).

10-жадвалдан кўришиб турибдики, ёғлар рафинацияси оқава сувларининг коагулянтлар билан ишлов беришдан кейин аввалгига нисбатан сифат кўрсаткичлари 80 мл коагулянт қўшилгач, рухсат этилган меъёргача яхшиланди ва: рН -1,52; ККТ - 14,5; БКТ - 21,7; қаттиқлик - 2,4; куруқ қолдиқ


миқдори 62,9 ва куйдирилган қолдиқ - 58,3 марта пасайиб, қайта фойдаланишга яроқли бўлиб қолди.

## 10-жадвал


### Ёғлар рафинацияси оқава сувларининг коагулянтлар билан ишлов беришдан аввал ва кейинги физик-кимёвий сифат кўрсаткичлари

т/р	Сифат кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирликлари	Тозалашдан	
			аввал	кейин
1.	Кимёвий кислородга талаб, ККТ	мгО <sub>2</sub> /л	145,2 ± 2,02	10,12 ± 0,21
2.	Биологик кислородга талаб, БКТ <sub>5</sub>	мгО <sub>2</sub> /л	118,4 ± 2,54	5,44 ± 0,32
3.	Қаттиқлик, муваққат: умумий:	мг-эқв НСl /л	15,53±0,20 18,12± 0,44	5,12±0,12 7,22±0,11
4.	Қуруқ қолдиқ	г/л	15,23±0,51	0,242±0,031
5.	Куйдирилган қолдиқ	г/л	3,73±0,15	0,064±0,010
6.	Сирт таранглик	н/м	77,83±0,5	72,26±0,25
7.	Когезия иши	н/м	155,66±1,0	144,52±1,0

Коллоид заррача мицелаларидан иборат коллоид система куйидаги реакция тенгламалари билан ифодаланади:




а) ишқорий муҳитда:




б) кислотали муҳитда:



в) нейтрал муҳитда:





а) ишқорий муҳитда:



б) кислотали муҳитда:




в) нейтрал муҳитда:



Келтирилган мицелла ҳосил бўлиш реакция тенгламаларидан аниқ тасаввур бўладики, биргаликда чўктириш мицелалар ҳосил бўлаётган 70-80<sup>0</sup>С ҳароратда ҳосил бўлади. 15-20 минутдан кейин коллоид заррачаларининг йириклашиши, сўнг уларнинг оғир қисмининг госсипол ва унинг ҳосилалари билан бирга чўкиши ва оқава сувнинг тиниқлашиши содир бўлди.

Оқава сувнинг рН ига боғлиқ равишда кислотали ва ишқорий муҳитларда мицела 3 қисмдан, яъни ядро, адсорбцион ва диффуз қаватлардан, нейтрал муҳитда 2 қаватдан, яъни ядро ва адсорбцион қаватлардан иборат бўлади. Бироз вақт ўтгач, ёғлар ва ёғ кислота қолдиқлари сувнинг юзига флотация бўлиб, уни сузиб олиб хўжалик совуни ишлаб чиқаришга қайтарилади.

Коагуляция жараёнида коагулянтнинг диффузия қавати сиқилади, бир нечта сув молекулалари бўлган алюминий ва темир гидроксидлари ҳосил бўлади. рН га боғлиқ равишда, Винклер томонидан тавсия этилган схемаларга мос равишда, яъни рН < 4 да -  $[Al(H_2O)_6]^{+3}$ ;  $[Al(H_2O)_5(OH)]^{+2}$ ;  $[Al(H_2O)_5(OH)_2]^+$  аквагидроксо бирикмалари; рН 4-5 да сувда эримайдиган, лекин бўкадиган  $[Al_6(OH)_{15}]^{+3}$ ,  $[Al_8(OH)_{20}]^{+4}$  поли (алюминийгидроксо) бирикмаларнинг ҳосил бўлиши эҳтимол. Олтита ва саккизта алюминий атомли координацион бирикмалар нейтрал  $[Al(H_2O)_3(OH)_3]^0$  заррачалар билан ўзаро таъсирлашиб, оқова сувларнинг коагуляция жараёнини амалга оширувчи, тўрсимон мусбат зарядли тузилмани ҳосил қилади. Худди шунга ўхшаш таркибли бирикмалар темир (III) иони билан ҳам ҳосил бўлади, яъни рН < 4 да -  $[Fe(H_2O)_4]^{+3}$ ;  $[Fe(H_2O)_3(OH)]^{+2}$ ;  $[Fe(H_2O)_3(OH)_2]^+$  аквагидроксо бирикмалари; рН 4-5 да сувда эримайдиган, лекин бўкадиган  $[Fe_6(OH)_{15}]^{+3}$ ,  $[Fe_8(OH)_{20}]^{+4}$  булар ҳам нейтрал  $[Al(H_2O)_3(OH)_3]^0$  заррачалар билан ўзаро таъсирлашади ва коагуляция содир бўладиган зарядланган тўр пайдо бўлади. Гидролизнинг иккинчи маҳсулоти сульфат кислота сувда эриган бирикмалар билан ўзаро таъсирлашиб, кам эрувчи  $CaSO_4$  ва  $MgSO_4$  тузларини ҳосил қилади.



**3-расм. Коагулянт қўшилгандан кейин ҳосил бўлган чўкма (а) ва органик моддаларнинг (б), пахта мойи рафинацияси оқова сувлари рН га боғлиқлиги**

